ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ АССОЦИАЦИЯСИ
САЙЛОВ КОДЕКСИ

Тошкент-2021

МУНДАРИЖА

ТАЪРИФЛАР 3
I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР 3
1-модда. Қўллаш соҳаси 3
2-модда. Тамойил ва мажбуриятлар 3
II. САЙЛОВ ҚЎМИТАСИ 4
3-модда. Асосий тамойиллар 4
4-модда. Таркиби 4
5-модда. Сайлов қўмитасининг умумий вазифалари 5
6-модда. Йиғилишлар, кворум ва қарорлар 5
III. НОМЗОДЛАР 6
7-модда. Мувофиқлик мезонлари 6
8-модда Ижроия қўмитасига номзодларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш 6
9-модда. Ижроия қўмитаси номзодларига шикоят қилиш тартиби 6
10-модда. ЎФАнинг бошқа органларига номзодлик қўйиш тартиби 7
11-модда. Номзодларнинг расмий рўйхати 8
IV. ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ 8
12-модда. Сайлов Конгрессини чақириш 8
13-модда. Сайлов конгресси жараёнидаги Сайлов қўмитасининг вазифалари 8
14-модда. Бюллетенлар 8
15-модда. Сайлов қутиси 8
16-модда. Овоз бериш 9
V. ОВОЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ 9
17-модда. Умумий тамойиллар 9
18-модда. Яроқсиз сайлов варақалари 9
19-модда. Имло хатолари 10
20–модда. Натижаларни ҳисоблаш ва эълон қилиш 10
VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР 10
21-модда. Ҳужжатларни архивлаш ва махфийлик 10
22-модда. Кўзда тутилмаган масалалар 11
23-модда. Мажбурий ижро 11

ТАЪРИФЛАР

Зарур бўлган ҳолларда, ушбу сайлов кодексида ишлатиладиган атамалар Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси (ЎФА) низомининг таърифлар бўлимида белгиланган атамаларга асосланади.

Эслатма: жисмоний шахсларга тегишли атамалар иккала жинсга ҳам тегишли. Бирликдаги ҳар қандай атама кўпликка ва аксинча ҳолларда қўлланилади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Қўллаш соҳаси

1. Ушбу Сайлов кодекси ЎФА Низомида белгиланган Ижроия қўмита аъзолари ва мустақил қўмиталар сайловига тааллуқлидир.

2. Ушбу Сайлов Кодекси ЎФА аъзоларининг тегишли органлари аъзоларини сайлашда ҳам қўлланилади, агар бу уларнинг низомларида аниқ белгилаб қўйилган бўлса. ЎФА аъзолари тўғрисидаги низомда ушбу Сайлов кодексининг аниқ доираси ва хусусан ЎФА Сайлов комиссияси тегишли сайлов жараёнини назорат қилиши кераклиги белгилаб қўйилган.

2-модда. Тамойил ва мажбуриятлар

1. Ваколатларни ажратиш, мустақиллик, ошкоралик ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига йўл қўймаслик мажбурияти каби умумий яхши бошқарув тамойиллари бутун сайлов жараёни давомида истисносиз кузатилиш керак.

2. Сайлов қоидалари ва кўрсатмалари ЎФА томонидан ЎФА Низомида кўрсатилган тегишли муддат ичида аниқ ва равшан тарзда тақдим этилиш керак.

3. Сайлов жараёнида учинчи шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний таъсирига йўл қўйилмаслиги керак.

4. ЎФА ўз органларининг ҳар қандай сайлов қоидалари ва кўрсатмалари ушбу сайлов кодекси, ЎФА уставлари ҳамда ФИФА уставлари, низомлари, директивалари ва қарорларига мувофиқ бўлишини таъминлаши керак.

5. ЎФА тегишли сайловлар кунидан камида 30 кун олдин ФИФА ва ОФКга сайловлар маълумотлари (яъни сайланадиган аъзолар сони, мандатлар муддати, сайловларнинг ўтказилиш сабаби ва ҳ.к.) тўғрисида хабар бериш керак. ФИФАга амалдаги Сайлов кодексининг нусхасини ва керак ҳолларда, бошқа ҳар қандай сайлов қоидалари ва кўрсатмаларини тақдим этиши керак.
ЎФА зудлик билан ФИФА ва ОФКга сайлов жараёнида ҳар қандай учинчи томонларнинг ноқонуний таъсири тўғрисида хабар бериш керак.

6. Агар ЎФА Низомида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тегишли ЎФА органлари аъзолари сайлов жараёни тугагунига қадар ўз вазифаларини бажаришда давом этишлари керак.

II. САЙЛОВ ҚЎМИТАСИ

3-модда. Асосий тамойиллар

1. Сайлов қўмитаси сайлов жараёнини ЎФА Низоми ва ушбу Сайлов кодексининг тегишли қоидаларига мувофиқ назорат қилиши керак.
2. Сайлов қўмитаси аъзолари ЎФАнинг бирон бир аъзоси бўлмаслиги ва бошқа бирон бир давлат органида ижро этувчи лавозимини эгаллаган бўлиши мумкин эмас. Сайлов қўмитаси аъзолари ЎФАда ваколат муддати давомида бирон бир лавозимга номзод бўлишлари мумкин эмас.
3. Қуйидаги ҳолларда Сайлов қўмитасининг аъзолари бирор ишни кўриб чиқишдан дарҳол воз кечишлари ва бирон бир қарор қабул қилишдан тийилишлари шарт:

а) улар номзодлардан бирининг энг яқин қариндошлари бўлиб, бўш иш ўринларига номзодларини қўйганга;

б) ЎФА Ахлоқ Кодексида белгиланганидек, манфаатлар тўқнашуви хавфи ёки эҳтимоли мавжуд бўлганда.

4. Агар сайлов қўмитаси аъзоси юқорида кўрсатилган талабларни бажармаса ва/ёки бирон-бир сабабга кўра сайлов комиссияси аъзоси лавозимидан четлатилса, у ушбу сайлов кодексининг 4-моддаси, 3-қисми қоидаларига мувофиқ ўзгартирилиши керак.
5. Сайлов қўмитасининг аъзолари Конгресс томонидан, ЎФА Устави қоидаларига мувофиқ, тўрт йил муддатга тайинланиши керак.
6. Сайлов қўмитасининг ҳеч бир аъзоси кетма-кет икки муддатдан ортиқ вақт давомида ўз лавозимларини эгаллаши мумкин эмас.
7. Сайлов қўмитаси аъзолари ҳар доим виждонан ҳаракат қилишлари ва ўз вазифаларини бажаришда ўта холисликка риоя қилишлари керак.

4-модда. Таркиби

1. Сайлов қўмитаси қуйидаги таркибда тузилиши керак:

а) Раис;

б) Раис ўринбосари;

с) уч (3) оддий аъзо.

2. Шунингдек, Конгресс томонидан тегишли миқдордаги ўринбосарлар ҳам тайинланиши керак.
3. Агар раис йўқ бўлса ёки мавжуд бўлмаса, раис ўринбосари унинг ўрнида бўлиши керак, агар раис ўринбосари ҳам йўқ бўлса ёки мавжуд бўлмаса, раис ўринбосари оддий аъзо билан алмаштирилади. Йўқ ёки мавжуд бўлмаган аъзо ўрнини бошқа вакил унинг ўрнини алмаштириши керак.
4. Сайлов қўмитаси ўз аъзоларидан бирини тегишли моддий-техник ва маъмурий масалалар бўйича масъул котиб этиб тайинлаши керак. Котиб ўз

вазифаларини бажаришда ёрдам олиш учун Бош котибиятга мурожаат қилиши мумкин.

5. Сайлов қўмитаси раиси ҳуқуқ йўналишида малакали бўлиши керак.

5-модда. Сайлов қўмитасининг умумий вазифалари

Сайлов қўмитаси Конгресс давомида бўлиб ўтадиган сайловларни ташкил этиш, ўтказиш ва назорат қилиш билан боғлиқ барча вазифалар учун жавобгардир. Хусусан, Сайлов қўмитаси жавобгарлигига қуйидагиар киради:

а) ЎФА низоми ва қоидалари ҳамда ушбу Сайлов кодексининг қатъий бажарилиши

б) Сайлов қоидалари ва ЎФА органларининг кўрсатмалари ушбу Сайлов кодекси ва ЎФА низомининг қоидаларига, шунингдек ФИФА низомлари, регламентлари, кўрсатмалари ва қарорларига мувофиқлигини таъминлаш;

с) Қонун билан белгиланган сайлов муддатларига қатъий риоя қилиш;

д) Аъзоларга, шунингдек тегишли давлат органларига (зарур ҳолларда), оммавий ахборот воситаларига ва жамоатчиликка маълумот бериш;

э) Зарур ҳолларда тегишли давлат органлари билан муносабатларни бошқариш;

ф) Номзодликни қўйиш тартиби (бошлаш, тарқатиш, баҳолаш, расмий рўйхатни эълон қилиш ва ҳ. к.);

ж) ЎФА қонунчилиги қоидаларига мувофиқ Бош котибият кўмагида сайловчилар (делегатлар) рўйхатини тузиш;

ҳ) Давлат нотариуси назорати остида сайловчилар (делегатлар) шахсини текшириш;

и) Сайлов ва овоз бериш тартиби;

ж) Сайлов жараёнининг тўсиқсиз ўтишини таъминлаш бўйича ҳар қандай ва бошқа барча вазифалар.

6-модда. Йиғилишлар, кворум ва қарорлар

1. Сайлов қўмитасининг йиғилишлари раис томонидан чақирилади. Фақатгина тўғри тартибда чақирилган Сайлов қўмитаси муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

2. Сайлов қўмитаси, агар унинг кўпчилик аъзолари (50% дан кўпроғи) иштирок этмаса, муҳокамада иштирок эта олмайди.

3. Сайлов қўмитаси ўз қарорларини берилган яроқли овозларнинг (50 фоиздан кўпроғи) кўплиги билан қабул қилади. Ишончнома ёки хат орқали овоз беришга йўл қўйилмайди. Овозлар тенг бўлган тақдирда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

4. Қабул қилинган қарорлар сайлов қўмитасининг раиси ва котиби томонидан имзоланган протокол билан расмийлаштирилади.

III. НОМЗОДЛАР

7-модда. Мувофиқлик мезонлари

1. ЎФАнинг тегишли органлари таркибига кирадиган лавозимларга мувофиқлик мезонлари ЎФА Низомининг тегишли қоидаларида белгиланган.

2. Сайлов қўмитаси ЎФА Низомида ёки ушбу Сайлов Кодексида назарда тутилмаган бошқа расмий талабларни белгилайдиган мезонларни қўлламаслиги керак. Сайлов қўмитаси фақат тегишли мувофиқлик мезонлари бажарилганлигини аниқлашга ёрдам берадиган ҳужжатларни талаб қилиши керак.

3. Сайлов қўмитаси мувофиқлик мезонларининг тўлиқ рўйхатини (ЎФА Низомининг тегишли қоидаларига ҳавола қилинган ҳолда), шунингдек ЎФА Низомида белгиланган муддатларда ҳар бир лавозимга тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатларни эълон қилиши керак.

8-модда Ижроия қўмитасига номзодларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш

1. Конгресс томонидан илгари тасдиқланмаган бўлса, сайлов жараёнида ҳар қандай номзодлардан ҳеч қандай тўлов ёки ҳақ талаб қилинмаслиги керак. Қандай ҳолат бўлишидан қатъий назар, келишилган ҳар қандай тўловлар ёки ҳақлар оқилона бўлиб қолиши ва фақат тегишли маъмурий харажатларини қоплаш учун хизмат қилиши керак.

2. Ижроия қўмитасининг ҳар қандай лавозимига номзодлар ёзма почта орқали, этказиб берилганлиги тўғрисидаги хабарнома юборилган электрон почта орқали ёки қабул қилинганлигини тасдиқлаш эвазига қўл орқали юборилиб, тегишли сайлов конгрессидан камида 30 кун олдин бош котибиятга юборилиши керак. Бош котибият томонидан қабул қилинган номзодлар дарҳол сайлов қўмитасининг котибига юбориши керак.

3. Номзодларни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин икки (2) кун ичида Сайлов қўмитаси ўз номзодини қўллаб-қувватлаш учун барча тегишли ҳужжатларни тақдим этмаган номзодларни ёзма равишда хабардор қилиши ва улар ўз номзодлигини топшириш учун яна уч (3) кун муҳлат бериши керак. Агар тегишли номзодлар белгиланган муддат ичида аризаларини беришмаса, уларнинг номзодлиги бекор қилинади.

4. Ижроия қўмитасига номзодлар сайлов қўмитаси томонидан номзодлик топшириш муддати тугаган санадан бошлаб ўн (10) кун ичида кўриб чиқилиши ва номзодлар сайлов қўмитасининг шу даврдаги қарори тўғрисида хабардор қилиниши керак.

9-модда. Ижроия қўмитаси номзодларига шикоят қилиш тартиби

1. Сайлов қўмитасининг қарорлари устидан шикоятлар фақат сайлов бўйича апеляция қўмитасига юборилиши мумкин, бу қарорлар устидан бошқа ҳар қандай органда, хусусан, давлат органида шикоят қилиш имконияти истисно қилади.

2. Тегишли равишда асослантирилган ҳар қандай апеляция, рўйхатдан ўтган манзил орқали юборилиши ёки қабул қилинганлигини

тасдиқлаш эвазига Бош котибиятга сайлов қўмитасининг қарори олинганидан бошлаб уч (3) кун ичида этказилиши керак. Бош котибиятга келиб тушган апеляция шикоятлари зудлик билан сайлов апелляция қўмитаси аъзоларига юборилиши керак.

3. Сайловга бўйича апелляция қўмитаси дастлабки номзод билан биргаликда тегишли номзод томонидан тақдим этилмаган янги далиллар ва ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

4. Апелляция шикояти келиб тушган кундан бошлаб тўрт (4) кун ичида Сайлов бўйича апелляция қўмитаси томонидан кўриб чиқилиши ва шу муддат ичида номзодларга етказилиши керак.

5. Сайлов бўйича апеляция қўмитаси Раис ва икки оддий аъзодан иборат бўлиши ва улар Конгресс томонидан тайинланиши керак. Икки ўринбосар ҳам Конгресс томонидан Сайлов бўйича апеляция қўмитаси аъзолари билан бир вақтда тайинланиши керак. Раис ҳуқуқ йўналишида малакали бўлиши керак.

6. Сайлов бўйича апелляция қўмитасининг қарорлари якуний ва мажбурий ҳисобланади.

10-модда. ЎФАнинг бошқа органларига номзодлик қўйиш тартиби

1. ЎФАнинг бошқа барча органлари (Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси, сайлов қўмиталари ва юридик органлари) нинг ҳар қандай лавозимига номзодлар Ижроия қўмитаси томонидан бош котибиятга тегишли сайлов конгрессидан камида 30 кун олдин юборилиши керак. Бош котибият томонидан қабул қилинган номзодлар дарҳол сайлов қўмитасига, шунингдек, ҳаққонийликнинг текширилишини амалга оширадиган тегишли органга юборилиши керак.

2. Номзодлар қабул қилинганидан кейин ўн (10) кун ичида Сайлов қўмитаси бош котибиятга тегишли лавозимлар бўйича расмий талаблар бажарилганлигини тасдиқлаши керак. Бир ёки бир нечта номзодларни тасдиқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, Ижроия Қўмитаси тегишли лавозимларга қўшимча номзодларни таклиф қилиши мумкин.

3. Бундай бошқа органлар аъзоларини сайлаш блок томонидан ўтказилиши мумкин. Сайлов Конгресси бошиланиш вақтида делегатларга тегишли органларга номзодлар рўйхатини ўз ичига олган тегишли сайлов бюллетенлари тақдим этилиши керак.

4. Бундай аъзоларни сайлашда делегатлар ўз жойларида қолишлари керак ва кузатувчилар сайлов қўмитаси аъзосининг қатъий назорати остида жойдан жойга бериладиган кўчма овоз бериш қутиси орқали овоз беришлари керак.

5. Барча делегатлар сайлов бюллетенларини кўчма сайлов қутисига жойлаштирганидан сўнг, сайлов қўмитаси барча делегатлар олдида натижаларни ҳисоблаб, барча аъзоларга эълон қилиши керак.

11-модда. Номзодларнинг расмий рўйхати

1. ЎФАнинг барча органлари учун номзодларнинг расмий рўйхати сайлов конгрессидан камида ўн (10) кун олдин аъзоларга юборилиши керак.

2. Номзодларнинг расмий рўйхати матбуотда ҳам эълон қилиниши ва керак бўлган ҳолларда, маълумот сифатида тегишли давлат органларига юборилиши керак.

IV. ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

12-модда. Сайлов Конгрессини чақириш

Сайлов бўйича Конгресс ЎФА низоми қоидаларига мувофиқ чақирилиши керак. Сайлов Конгрессини ўтказиш учун тегишли саналар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилиниши ва зарур ҳолларда, тегишли давлат органлари эътиборига етказилиши керак.

13-модда. Сайлов конгресси жараёнидаги Сайлов қўмитасининг вазифалари

Сайлов Конгресси давомида Сайлов қўмитасининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) сайловчилар (делегатлар) шахсини текшириш;

б) Конгресс давомида сайлов тартибини кузатиш;

с) сайлов бюллетенларини ҳисоблаш;

д) сайлов бюллетенларининг ҳақиқийлиги ёки ҳақиқий эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

э) сайлов конгресси давомида сайлов тартибига оид ҳар қандай масалалар бўйича аниқ қарор қабул қилиш;

ф) расмий натижаларни эълон қилиш;

г) зарур ҳолларда матбуот анжуманини ташкил этиш ва ўтказиш.

14-модда. Бюллетенлар

1. Бош котибият сайлов бюллетенларини Сайлов қўмитаси назорати остида тайёрлаши керак. Сайлов бюллетенлари аниқ ва равшан чиқарилган бўлиши керак.

2. Сайловнинг ҳар бир босқичи учун бюллетенлар ҳар хил рангда чиқарилган бўлиши керак.

15-модда. Сайлов қутиси

1. Овоз бериш жараёни бошланишидан олдин, сайлов қутиси иложи борича шаффоф кўриниши бўлиб очилиши ва Конгресс делегатларига топширилиши керак. Шундан сўнг, сайлов қутиси ёпилиб, сайлов қўмитаси аъзолари ёнида кўзга кўринган жойга қўйилиши керак.

2. Бутун овоз бериш жараёнида сайлов қутиси сайлов қўмитаси аъзоларидан бири томонидан кузатилиши керак.

16-модда. Овоз бериш

1. Делегатлар овоз бериш талаб қилинишидан олдин, сайлов комиссияси раиси сайлов жараёнини (сайлов қутиси, овоз бериш бюллетенлари, ҳақиқий ва бекор овоз бериш бюллетенлари, овозларни ҳисоблаш, талаб қилинадиган кўпчилик овозлар, натижалар ва бошқалар) батафсил тушунтириши ва тегишли Қонунчилик қоидаларига мурожаат қилиши керак.

2. Сайлов қўмитасининг раиси ҳар бир иштирок этаётган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган делегатларни навбатма-навбат сайлов бўлиб ўтаётган Конгресс залининг олд қаторларига кўчиб ўтишга чақириши керак.

3. Чақирилгандан сўнг, тегишли делегат Конгресс зали олди қаторига ўтиши ва бюллетень варақасини имзолагандан сўнг, ўз бюллетенини олиши керак.

4. Шундан сўнг делегат ўз сайлов бюллетенини белгилаш мақсадида овоз бериш кабинасига йўл олиши керак. Овоз бериш кабинаси кўзга ташланадиган жойда жойлашган бўлиши керак, лекин шу билан бирга делегатга яширин овоз бериш учун шароит яратилиши керак. Овоз бериш кабинасида мобил телефонлар, камералар ёки бошқа бирон бир ёзиб олиш мосламаларини ишлатиш тақиқланиши керак.

5. Шундан сўнг делегат сайлов бюллетенини сайлов қутисига жойлаштириб, сайловчилар рўйхатига имзо қўйиши ва ўз жойига қайтиши керак.

6. Овозларни санаб чиқиш тартиби барча делегатлар бюллетенларини сайлов қутисига қўйгандан сўнг бошланиши керак. Сайлов қўмитасининг аъзоси сайлов қутисини очиши ва барча делегатлар олдида сайлов бюллетенларини тушириши керак.

7. Шундан сўнг овозларни ҳисоблаш жараёни ўтказилиши керак.

V. ОВОЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

17-модда. Умумий тамойиллар

1. Сайлов бюллетенларини ҳисоблашда фақат сайлов қўмитасининг аъзолари қатнашиши керак. Барча бошқа жараёнлар (сайлов қутиларини очиш, сайлов бюллетенларини ҳисоблаш, овозларни ҳисоблаш ва ҳ.к.) барча Конгресс делегатлари уларни аниқ бажара оладиган тартибда амалга оширилиши керак.

2. Сайлов бюллетени ёки овоз беришнинг ҳақиқийлиги ёки яроқсизлиги, баённома тузиш, натижаларни эълон қилиш ёки овозларни санаш тартибига оид бошқа масалалар бўйича низо келиб чиқса, Сайлов қўмитасининг қарори якуний ҳисобланади.

18-модда. Яроқсиз сайлов варақалари

1. Қуйидаги бюллетенлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади:

а) сайлов қўмитаси томонидан белгиланган расмий фарқловчи белгиларга эга бўлмаган бюллетенлар;

б) номзодларнинг исми-шарифидан бошқа маълумотларни ўз ичига олган сайлов бюллетенлари;

в) ўқиш учун яроқсиз бўлган ёки йиртилган сайлов бюллетенлари;

д) идентификация белгилари бўлган овоз бериш бюллетенлари

2. Сайлов комиссиясининг раиси яроқсиз бюллетеннинг орқа томонига уни бекор қилиш бўйича сабаб(лар)ни ёзиши ва ўз имзоси билан тасдиқлаши шарт.

19-модда. Имло хатолари

Варақалардаги овозлар имло хатолари натижасида расмий номзодлардан бирортасининг кимлигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, овозлар ҳақиқий эмаслигини англатади.

20-модда. Натижаларни ҳисоблаш ва эълон қилиш

1. Сайлов қутиси очилгандан кейин сайлов қўмитаси аъзолари бюллетенлар сонини ҳисоблаши ва уларнинг ҳақиқийлигини текширишлари керак. Агар бюллетенлар сони берилган бюллетенлар сонига тенг ёки ундан кам бўлса ҳам бюллетень ҳақиқий ҳисобланиши керак. Агар бюллетенлар сони берилган бюллетенлар сонидан кўп бўлса, бюллетен бекор қилинган деб эълон қилиниши ва юқорида баён қилинган тартибда дарҳол янгиланиши керак.

2. Сайлов бюллетенлари сони текширилгандан сўнг сайлов қўмитаси аъзолари ҳар бир номзод ёки рўйхат учун берилган овозлар сонини ҳисоблашлари керак.

3. Агар овоз беришнинг иккинчи (ёки кейинги) босқичини ўтказиш зарур бўлса, овоз бериш тартиби юқоридаги моддаларга мувофиқ такрорланиши керак. Аъзоларга овоз беришнинг иккинчи (ва кейинги) босқичларида (масалан, кўпчилик талаб қилинадиган ҳар қандай ўзгартириш, номзодликнинг ечилиши ва ҳ.к.) тегишли бўлган қонунчилик қоидалари тўғрисида хабар бериш керак.

4. Сайловнинг ҳар бир босқичидан кейин Сайлов қўмитаси раиси сайлов натижаларини расмий равишда аъзоларга эълон қилиши керак.

5. Бош котиб йиғилган ва санаб чиқилган бюллетенларни белгиланган конвертларга жойлаштириш керак. Кейин конвертлар сайлов қўмитаси раиси томонидан имзоланиши ва муҳрланиши керак. Конгресс ўтган муддатдан бошлаб Бош котибият 10 кун давомида конвертларни сақлаши ва ушбу муддатдан сўнг уларни йўқ қилиши керак.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21-модда. Ҳужжатларни архивлаш ва махфийлик

1. Сайлов қўмитаси ва сайлов бўйича апелляция қўмитаси барча расмий ҳужжатларни, шунингдек сайлов жараёнида уларга тақдим этилган барча ҳужжатларни уларни архивлаш учун масъул бўлган Бош котибиятга топшириши шарт.

2. Сайлов қўмитаси ва сайлов бўйича апелляция қўмитаси аъзолари сайлов жараёнида уларга тақдим этилган ҳар қандай маълумот ва ҳужжатлар бўйича тўлиқ махфийликни сақлашлари шарт. Бундай мажбурият тегишли сайлов жараёнидан кейин чексиз равишда амал қилиши керак. Бундан ташқари, улар сайлов жараёнида ўзларига тақдим этилган бирон бир ҳужжатни (электрон ёки бошқа) сақламасликлари керак.

22-модда. Кўзда тутилмаган масалалар

1. Сайлов Кодекси ёки ЎФА Низоми ва Регламентида қамраб олинмаган сайлов Конгрессининг маъмурий ва техник ташкил этилиши билан боғлиқ барча масалаларни Сайлов қўмитаси ҳал қилади ва унинг қарори якуний ҳисобланиши керак.
2. Ушбу Сайлов Кодекси ёки Устави ва ЎФА Регламенти билан тартибга солинмаган сайловларни ўтказиш билан боғлиқ барча масалаларни Сайлов қўмитаси ҳал қилади ва унинг қарори якуний ҳисобланиши керак.

23-модда. Мажбурий ижро

Ушбу Сайлов кодекси 2021 йил 19 июнь санасида ЎФАнинг навбатдан ташқари Конгресси томонидан қабул қилинган ва шу санадан эътиборан кучга кирган ҳисобланади.

А.А. АЗИЗОВ
ЎФА Президенти

А.П. МАКСУМОВ
ЎФА Бош котиби